

№ 01/2-01-26-2

14.01.2020 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Давлат статистика қўмитасининг
Коррупцияга қарши курашиш бўйича
идоравий комиссияси раиси


Б.Мирусманов

2020 йил "14" январь

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
тизимида 2020 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар
I. Аҳолининг, шу жумладан статистика ҳисоботларини топширувчи, статистика кузатувларида иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш				
1.	Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган Давлат дастурлари ва бошқа қонун ҳужжатларининг мазмун моҳиятини тушунтиришга бағишланган тадбирларни ташкил этиш.	Аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, жумладан статистика ҳисоботларини топширувчи, статистика кузатувларида иштирок этувчи субъектлар ва тизим ходимлари иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар, тренинглари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.	2020 йил давомида (ҳар чоракда камида биттадан)	Б.Мирусманов, Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия (кейинги ўринларда - Идоравий комиссия), худудий статистика органлари
2.	Давлат статистика органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишлари, ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини ошириш, юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда ҳалоллик, ҳолислик, беғаразлик тамойилларига риоя қилишларини таъминлашга ҳамда лоқайдлик ва бошқа салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.	1. Ходимлар ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш. 2. Одоб-ахлоқ қоидаларини тушунтиришга, ходимларнинг ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини оширишга, ҳалоллик, ҳолислик, беғаразлик тамойилларига риоя қилиш ва салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиш.	2020 йил апрель, июль, ноябрь ойларида	З.Толипова, Одоб-ахлоқ комиссияси, худудий статистика органлари